



ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ибодуллаев Шохбоз Тўлқин ўғли
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш уларнинг, молиявий воситачи сифатида, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, АҚШнинг Bank of America банкида регулятив капиталнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, унинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан 9,2 фоизга ўсган. Франциянинг BNP Paribas банки томонидан Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада, яъни 97,5 фоизга кўпайган. Қозоғистоннинг “Halyk Bank”ида соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси 2017-2023 йилларда ушбу кўрсаткичнинг умумэтироф этилган меъёрий даражасидан (2,0 %) сезиларли даражада юқори бўлгани ҳолда, 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда (2,3 ф.п.) ўсган¹. Бу эса, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида “мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, тижорат банкларининг кредит портфелини ва банк рискларини бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш” банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган². Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг амалий асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ю. Кудашованинг фикрига кўра, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– активлар ва пасивларнинг рентабеллиги;


¹ Bank of America Annual reports. 2017-2023//<https://www.bankofamerica>; BNP Paribas Annual reports. 2017-2023//www.bnpparibas.com; Halyk bank. Годовой отчёт 2017-2023//<https://www.halykbank.kz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

- капиталнинг етарлилиги;
- банк фаолиятининг фойдалилиги ва рентабеллиги³.

Номлари юқорида қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг рақобатбардошлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган кўрсаткичлар тижорат банки фаолиятининг фақат молиявий барқарорлигини аск эттиради.

1-расм. ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкда брутто активларнинг рентабеллик даражаси⁴, фоизда



1-расмдан аниқ кўрингайки, ТИФ Миллий банкда активларнинг рентабеллик даражаси 2017-2019 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Шунга қарамасдан, банк активларининг рентабеллик даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-расмдан аниқ кўрингайки, Асакабанкда активларнинг рентабеллик даражаси 2019-2023 йилларда жуда паст бўлган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-расмдан аниқ кўрингайки, Саноатқурилишбанкда активларнинг рентабеллик даражаси 2017-2019 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Лекин, эътироф этиш керакки, активларнинг рентабеллик даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Мазкур юқори суръатдаги ўсиш соф фойданинг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

³ Кудашова Ю.С. Совершенствование методики оценки конкурентоспособности коммерческого банка. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ставрополь, 2007. – 185 с.

⁴ Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

1. Bank of America Annual reports. 2017 2023
//<https://www.bankofamerica.com>; BNP Paribas Annual reports. 2017
2023//www.bnpparibas.com; Halyk bank. Годовой отчёт 2017-
2023//<https://www.halykbank.kz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-
5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг
банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги
фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
3. Кудашова Ю.С. Совершенствование методики оценки
конкурентоспособности коммерческого банка. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. –
Ставрополь, 2007. – 185 с.
4. Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва
Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.